

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Жаҳонгиров Б.Б.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия  
ва спорт ууниверситети доценти.

Чирчиқ, Ўзбекистон

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари олимларининг халқаро ҳамкорлик алоқлари турли шакл ва кўринишларда амалга ошириш, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган илмий конференция, конгресс, симпозиумларга хизмат сафари билан бориш, илмий-тадқиқот институтлар, олий ўкув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, хорижий илмий марказларга малака ошириш, стажировкага бориш масалари баён қилинган. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари ҳам мафкуравий - сиёсий аралашувларсиз мустақил равиша тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари далилий манбалар асосида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Фанлар академияси, олий таълим, конференция, конгресс, хизмат сафари, илмий-тадқиқот институтлар, ҳамкорлик, шартнома, стажировка, таълим, докторантурা, диссертация, маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризмспорт ва оммавий ахборот воситалари.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье учёные научно-исследовательских институтов Академии наук Республики Узбекистан осуществляют отношения международного сотрудничества в различных видах и формах, выезжают в командировки на научные конференции, съезды, симпозиумы, проводимые в зарубежных странах, устанавливают прямые связи с научно-исследовательских институтов, высших учебных заведений, в сотрудничестве с научно-исследовательскими институтами описываются вопросы проведения исследований, повышения квалификации в зарубежных научных центрах, прохождения стажировок. В Узбекистане высшие учебные заведения также самостоятельно, без идеологического и политического вмешательства, имеют равноправные и взаимовыгодные отношения сотрудничества, основанные на доказательных источниках.

**Ключевые слова:** Академия наук, высшее образование, конференция, конгресс, командировка, научно-исследовательские институты, сотрудничество, контракт, стажировка, образование, докторантура, диссертация, культура, здоровье, наука, техника, подготовка кадров, туризм, спорт и СМИ.

## ABSTRACT

In this article, scientists of research institutes of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan carry out international cooperation relations in various types and forms, go on business trips to scientific conferences, congresses, symposiums held in foreign countries, establish direct links with research institutes, higher educational institutions , in cooperation with research institutes, issues of research, advanced training in foreign research centers, and internships are described. In Uzbekistan, higher education institutions also independently, without ideological and political interference, have equal and mutually beneficial cooperation relations based on evidence-based sources.

**Keywords:** Academy of Sciences, higher education, conference, congress, business trip, research institutes, cooperation, contract, internship, education, doctoral studies, dissertation, culture, health, science, technology, training, tourism, sports and media.

Ўзбекистон Осиё мамлакатлари билан илмий-техник ҳамкорликни амалга оширап экан, аввало ҳозирги замонда ишлаб чиқариш соҳаси имлий-техник инқилоб ютуқларисиз, фундаментал билимларсиз ва қашфиётларсиз, техник ва технологик янгиликларсиз, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этмасдан самарали ривожлана олмаслигидан келиб чиқади. Таниқли америкалик олим ва жамоат арбоби Дж.Бернал ёзганидек: “Илмий фан ўзининг анъанавий вазифаларини бажармоғи ва унга ховф солиб турган таҳдиидлардан халос бўлмоғи олимлар ва кенг жаоатчилик фант ва ҳозирги хаёт ўртасидаги мураккаб муаммоларга ўздиқват-эътиборларини кучайтириши зарур”.[1]

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида 1992 йил 27 июнда имзоланган маданият, соғлиқни сақлаш, фан, техника, кадрлар тайёрлаш, туризмспорт ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим ҳамда 1995 йил 22 майда имзоланган фан ва техника борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим мавжуд.

Ана шу битимларга мувоғиқ Ўзбекистон ва Покистон олимлари, илмий марказлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. [2]

1996 йилда ФА Зоология институти ёввойи табиатни сақлаш фонди ва Дрофи Джек фондлари билан ҳамкорлик тўғрисида Меморандум тузди. Қуёш

физикаси илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика ва техника институти олимлари 2000 йилнинг апрелида Исломободда бўлиб ўтган энергиянинг янгиланувчан манбаларига бағишлиланган Халқаро конференцияда иштирок этдилар. ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти Покистоннинг доривор ўсимликлариданпрепаратлар яратиш технологияси бўйича халқаро мактаб илмий алоқаларни амалгат оширмоқда. Ушбу институт олимлари 2001 йилнинг январ ойида Табиий бирикмалар кимёси бўйича 8-халқаро симпозиум ишида иштирок этди. Симпозиум иштирокчиларида институт олимлари томонидан қилинган “Уч қисмли Хипазолин алкоидлар кимёси”, “Fcontinuum туркумидаги айrim доривор ўсимликларнинг таъсир этиш сабаблари” мавзусидаги маърузалар жуда катта қизиқиш уйғотди. [3]

2000 йил декабрида COMSTECHнинг бош координатори Ўзбекистон томонига Покистоннинг Pakistan Steel компанияси тақдим этган металлургия учун янги технологиялар соҳасида тайёргарлик дастурини кўриб чиқиши тавсия қилди. Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий-техник ҳамкорлик 1992 йил 25 ноябрда имзоланган Ҳукуматлараро Меморандум ва 1993 йил 18 октябрда имзоланган савдо, иқтисодиёт, саноат, фан ва техника соҳасида ҳакорлик қилиш бўйича қўшма комиссия тўғрисидаги Ҳукуматлараро Протокол асосида амалга оширилмоқда. [4].

Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги илмий-техник ҳамкорликнинг ривожлантирилишида ҳуқуматлараро комиссиянинг 2001 йил 21 февралда бўлиб ўтган З-мажлисининг аҳамияти жуда катта. Радиофизика, яримўтказгич материаллар ва ускуналар соҳасида, бошқарув тизимини автоматлаштиришда ЭҲМлардан фойдаланиш, астрофизика, микробиология, биотехнология, вирусология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, биоорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, тупроқшунослик ва агрокимё соҳаларида ҳамкорликни янада фаоллаштириш зуурлиги эътироф этилди.[5]

Тошкент давлат университети ҳам 1994 йилда 30 дан ортиқ хорижий давлатлар таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик шартномалари имзолади. Евроазия Ассоциацияси аъзоси бўлди. Университетнинг Физика факультети Россия, Япония, Германия, Туркия, Истроил каби давлатлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйди. Химия факультети эса Россия Фанлар академияси, Белград, Стамбул университетлари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар олиб борди. [6]

Самарқанд давлат университетида 1993-1995 йилларга Файзобод университети, Босул университети, Ал Асқар, Ал Машриқ университетлари ва бошқа илмий марказлар билан илмий ҳамкорлик олиб борди.[7]

1991 йилдан 2005 йилгача бўлган давр, бу даврда ҳамкорлик алоқлари ўрнатилди (16 декабрь, 1991 йил), абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди (1996 йил), турк ишбилиармонлари учун республикада кенг имкониятлар яратиб берилди, фаол маданий ҳамкорлик йўлга қўйилди, минглаб талабалар Туркияга ўқишга юборилди ҳамда Ўзбекистонда турк мактаб ва лицейлари ташкил қилинди. [8].

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. Каримовнинг 2000-йил сентабрда Туркия Президенти Аҳмет Несдет Сезер билан БМТ нинг "Минг йиллик" саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб етди. 2003-йилда Туркия Бош вазири Ражаб Тайип Эрдўғон Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида яна бир қанча хужжат имзоланди. Икки томон ўртасида божхона тўловларига нисбатан енг кўп кулайлик бериш тартиби кучга кириши туфайли 2002-йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги товар айланмаси 1,7% ўсиб, 190,48 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2003-йилда 2002-йилга нисбатан 41,3% ошиди, умуман Ўзбекистоннинг ташки савдо товар айланмасида Туркияниң улуши 4% ни ташкил етади. [9].

2005-2016 йилларни ўз ичига олади ва турғунлик даври сифатида баҳоланади. Бу давр бир қанча омилларга кўра, яъни ички ва ташқи сиёсат ҳамда маълум шахсий сиёсий амбициялар доирасидаги қарорлар билан тавсифланади. Турғунлик даври 2005 йил Туркия БМТ Бош Ассамблеясида Андижон воқеалари юзасидан Ўзбекистон ҳукуматини номутаносиб куч ишлатганлиқда айловчи резолюциясини маъқуллаб овоз беришидан бошланган эди.[10].

2016 йил Самарқанд шаҳрида Шавкат Мирзиёев ва Режеп Тайип Эрдоған ўртасидаги учрашувдан сўнг бошланди. Ўтган қисқа вақт давомида икки давлат раҳбарлари ўнга яқин тўғридан-тўғри мулоқотларни амалга оширди. Хусусан, 2017 йилнинг 25-27 октябрь кунлари Шавкат Мирзиёев Туркияга ташриф буориб, Президент Режеп Тайип Эрдоған билан учрашди. Ушбу тарихий ташриф давомида Туркия ва Ўзбекистон ўртасида авиаация, транспорт, сармоя, дипломатия, таълим, соғлиқни сақлаш, мудофаа, савдо, маданият, банк соҳаларида 26 та битим имзоланди, Бундан ташқари. [11].

2017 йилда Эрдоған ва Мирзиёев Пекин, Риёд, Остона ва Нью-Йоркдаги ҳалқаро тадбирлар доирасида музокаралар ўтказди, ҳамкорлик истиқболлари ва ҳалқаро вазиятларни муҳокама қилди. 2018 йилнинг 31 апрель – 1 май кунлари Туркия Президенти давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Ташриф давомида икки мамлакат президентлари Ўзбекистон ва Туркияниң етакчи банклари, компания ва фирмалари раҳбарларининг қўшма бизнес форумида иштирок этишди. Ушбу ташрифга жавобан куни кеча Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга расмий ташрифи амалга оширилди. [12].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг яқин шарқ мамлакатлари билан билан илмий, илмий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор давлатлар сони кўпайиб борар экан, бу- Ўзбекистон илмий салоҳиятининг ортиб бораётганилигидан далолат эди. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистонда илм-фаннынг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон фанига чет эл инвестицияларининг кириб келиши эса уни янги техника ва технологиялар бўйича бойитишга имкон берди. Ўзбек олимларининг хорижий давлатлардаги йирик нуфузли илмий анжуманларидаги иштироки, пировард натижада республика обрўсини оширишга шарт- шароитлар яратди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)**

- 1.Бернал.Дж.Наука и общество.-М.1953.г.-С.115.
- 2.Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви. // ЎзФА Халқаро бўлимининг 2000 йилги ҳисоботи. –Б.16
- 3.ЎзМУ жорий архиви. 1994 йилги ҳисоботлар. –Б.57.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитасининг жорий архиви. // ФТДҚ нинг Ўзбекистон ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги фан ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумоти. –Б.1-3
- 5.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Япония билан илми-техникавий алоқалари. Academic research in educational science volume 2 | special issue 1 | 2021 /01; -Б.315.
- 6.Ўзбекистон Республикаси ФА жорий архиви 1992-1993йиллар // Ядро физикаси институти. –Б.1.
- 7.Қирғизбоев А.Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.-Т.: “Фан”.2004.-Б.211.
- 8.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий алоқалари. ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).-Қарши. 2020.-Б.256.
- 9.Жаҳонгиров Б.Б. Международные связи Узбекистана в области науки. International scientific and practical conference.The time of scientific progress, Warsaw, Polsha, 05.11.2022. Session1, Part 3.-С.15-19.
10. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари. Science and innovation international scientific journal volume 1 issue 8 uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337.-Б. 211-215
- 11.Ўзбекистон Республикаси ФА нинг жорий архиви//Ўзбекистон Республикаси ФА нинг 2001 йилда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.-Б.1.
- 12.Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий – техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида). Oriental

reneissance: innovative, education, natural and social sciences scientific journal.  
Volume 2, issue 5/2, may 2022. -Б.824.

- 11.Маманов, Ж. А., & Розиқов, Ж. М. (2021). Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1), 170-178.
- 12.Маманов, Ж. А. (2018). Ёшлар маънавий маданиятига таҳдид ёки мессионерликнинг салбий оқибатлари. ЎзМУ хабарномаси, 169
13. Маманов, Ж. А. (2018). МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ТАКОМИЛИДА СПОРТ ВА АХЛОКИЙ МАДАНИЯТНИ УЙФУНЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ. Fan-Sportga, (3), 74-78.
- 14.Маманов, Ж. А., & Хушвақтов, З. Р. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (МЕХАНИЗМИ) ВОСИТАСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНӢ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 9-13.
- 15.Маманов, Ж. А. (2020). Young people are increasing a spiritual culture place of national mentality. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 3203.
- 16.Жумаев, У. Х. (2022). ТУРКИСТОНДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 4-8.
- 17.Жумаев, М. Х. (2022). БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 14-18.